



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

СИЁСІЙ ПАРТИЯ САЛОҲІЯТИ

сайлов жараёнида муҳим омилдир

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган
номзод Дилором Тошмухамедова 15 декабрь куни
Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувда вилотнинг барча ҳудудларидан шифокорлар, ўқитувчилар, тadbirkorлар, маҳалла фаоллари ҳамда сайловда илқ маротаба овоз берадиган ёшлар қатнашдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сирдарё округ сайлов комиссиясининг раиси С.Қудратов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Боевут туман марказий шифохонаси бўлим мудири Ўрозали Норбутаев йигилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмухамедова ўзининг сайловолди дастури тўғрисида маъруза қилди. Маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида гоят муҳим воқеа эканлиги таъкидланиши билан бирга, унинг республикамиздаги мавжуд сиёсий партиялар фаолиятида ҳам беқўрс аҳамият касб этиши тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Президентликка номзод ўз маърузасида сайловолди дастурининг асосий мазмунини – «Адолат» ҳаётимизнинг бош мезони» тамойи-

лини ҳаётга тўлиқ тadbик этишдан иборат эканлигини таъкидлади. Бу тамойил партиянинг социал-демократия аъналарига мансублиги ва содиқлигини билдиради, халқимизни адолатли жамият қуриш йўлида жипслашишга ундайди. Маърузада қайд этилдики, сайловолди дастурининг устувор йўналишларидан бири – бу ижтимоий соҳага оид бўлиб, унда ижтимоий адолат тамойилларига кўра, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига алоҳида эътибор қаратиш, шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳолининг дори-дармон воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида соҳага оид қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш каби масалалар ўрин олган.

Учрашувда номзоднинг сайловолди дастурида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш алоҳида йўналиш этиб белгилангани айтиб ўтилди. Дарҳақиқат, дастурда аёлларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий муҳофазасини қучайтириш мақсадида амалга ошириладиган

ислохотларни изчил давом эттириш муҳим вазифа қилиб белгилаб олинган. Шу билан бирга, барча жабҳаларда хотин-қизларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдодини рўйбга чиқариш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Қолаверса, тadbirkor аёлларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада қучайтириш лозимки, бу хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиб, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Учрашувда Президентликка номзод Дилором Тошмухамедова сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Гулистон шаҳридаги «Худойкул ота» хусусий дорихонаси мудири Худойкул Раҳмонбердиев, Республика шoшилинч тиббий ёрдам маркази Сирдарё вилоти филиали ҳамшираси Наргиза Ражабова, Гулистон давлат университети ўқитувчиси Қобил Кубаев, Боевут туман марказий шифохонаси шифокори Гулбаҳор Шодиева ва бошқалар учрашувда сўзга чиқиб, номзоднинг сайловолди дастури тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга қачирдилар.

Қамол АЛЛАЕВОВ,
«Адолат» мухбири

ЁШЛАР БИЗНИНГ ТАЯНЧИМИЗ, СУЯНЧИМИЗ ВА ҚУДРАТИМИЗДИР



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Айлоқсиз, таълим тизимидаги ислохотлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Замонавий касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, уларда бахтиёр ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиб, хунар ўрганишлари учун яратилган шароитлар фикримизга яққол далил бўла олади.

Айниқса, иқтидорли ўғил-қизларимизнинг хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юрталарида билим олиб, мамлакатимизда етакчи соҳаларда фаолият олиб бораётганлари-

дан қувонмай бўладими! Ёки энг чека кишлоқлардаги иқтидорли фарзандларимиз эндиликда Зулфия, «Нихол» мукофотларига сазовор бўлаётганлари, «Янги авлод», «Келажак овози» кўрик-танловларида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритаётганликларини мамнуният ила эътироф этмаслик мумкинми?

Яқунланаётган Ижтимоий ҳимоя йилида ёшларимиз учун катта имконият эшиклари очилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўй-жой қуриш учун узок муддатга берилган кредитлардан қўллаб-қувватлаш баҳраман бўлишди. Кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олишга бе-

рилган кам фойзли кредитлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш мақсадида, эр-тан, ёшлар бизнинг келажакимиз, эртанги нурафшон кунимиз давомчиларидир. Ишонаманки, 2008 йил – Ёшлар йилида барча ёшларимизнинг орзу-умидлари ушалади, бахт-иқболлари тўқис бўлишлари таъминланади. Қўзланаётган энг олий мақсадлардан бири ҳам аслида шу.

Мамазов ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзosi,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Анджон вилот
Кенгаши биринчи котиби

(2-бетда ўқинг)

СЎЗ – ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Шу йилнинг 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин кузатувчи кузатиб бориши кутилимоқда. Шу кунгача юздан зиёд халқаро кузатувчи мамлакатимизга келиб, ўз фаолиятини бошлади. ЎА мухбирлари уларнинг айримлари билан дастлабки таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.

Дато Хожя Ван Аҳмад бин ВАН УМАР,
Малайзия Сайлов комиссияси раиси ўринбосари:

САЙЛОВ ОЧИҚ ВА ОШКОРА ЎТИШИГА ИШОНАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Малайзия Сайлов комиссияси ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жамият ва давлат қурилиши соҳасида амалга ошириладиган демократик ислохотларни чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеадир. Ушбу жараёни куза-

тиш мақсадида Малайзиядан ҳам бир гуруҳ вакиллар ташриф буюрди. Президент сайлови очик ва ошкора тарзда ўтишига ишонамиз. Биз Ўзбекистонни жаҳон илм-фанга бекиб ҳисса қўшган юрт сифатида қўлағамиз. Ўзбекистон қадимий ёдгорликлар, муқаддас зйратгоҳлар ва тарихий обидалари билан ҳам дунёга машҳур.

(Давоми 2-бетда)

Энергия ресурслари:

МУАММО ВА ЕЧИМ

Хозирги кунда сайёрамизда қарийб 2 миллиард аҳоли замонавий энергетика хизматларидан баҳраманд бўла олмапти. Энергия мавжуд ҳудудларда ҳам ундан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Қолаверса, дунёда нефть, газ ва кўмир каби тикланмайдиган энергия ресурслари кўп ишлатилаётгани боис, уларнинг захираси тобора камайиб бораётди. Шунинг учун ҳам хозирга келиб бу муаммо катта иқтисодий-сиёсий масалага айланган. Мухобил энергия манбаларидан фойдаланиш эса, энг мақбул ва самарали ечимдир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

МАҲСУЛОТИ ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, шу орқали аҳолини муҳим иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўларок, бугун юртимизда сифатли ва хари-доргир маҳсулотлар ишлаб чиқариб, хорижа экспорт қилаётган корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбеккимё-маш заводи» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти ҳам ана шундай корхоналар сираси-дан.

Машинасозлик ускуналари ва халқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳамда нефть, кимё ва газ комплексларида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқараётган корхона хозирги кунда Марказий Осиёдаги тармоқ корхоналар орасида етакчи ўринда туради. 2003 йили завод халқаро сифат стандартлари бўйича ISO 9001: 2000 сертификатига эга бўлди. Бундан ташқари, жаҳон стан-

дартларига тўла мос келадиган ана бир қатор халқаро сифат сертификатлари қўлга киритилди. Бугунги кунда корхона маҳсулотлари Афғонистон, Белорусь, Россия, Болгария, Вьетнам, Хиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Латвия, Мўғилистон, Польша, Сурия, Туркия, Украина, Финляндия, Эстония ва Япония каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Айни пайтда корхонада 1640 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритиб келмоқда. Уларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратиладиган маҳсулот сифати ва унмудорлигининг ошишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Умиджон САТТОРОВ,
«Адолат» мухбири
Носир ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.



ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасида 20 декабрь куни «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг фермер ҳўжаликлариини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлашга доир қисмининг ижро этилиши муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Амалга ошириладиган ислохотлар натижасида мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалигида теран таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар рўй берди. Кишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш ва бо-зор инфратузилмасини барпо этиш юзасидан кейинги йилларда қабул қилинган чора-тадбирлар кишлоқда мулкдорлар синфи шаклланишида, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўпайиши ва кишлоқ аҳлининг даромадлари ортишида мададкор бўлди.

Илгаринги ширкатлар ўрнида ташкил топган фермер ҳўжаликлари кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шакли бўлиб қолди. Уларнинг самарали фаолияти олиб боришини таъминлаш мақсадида қисқа муддатларда минибанклар, муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил қилинди, ёнилғи-ойлаш материаллари ҳамда минерал ўғитлар билан таъмин-этувчи юзлаб пунктлар барпо этилди, фермерларга кредитлар ажратилиш ҳамда уларга лизинг асосида замонавий кишлоқ ҳўжалиги техникасини етказиб бериш ишлари муваффақиятли тарзда йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги, «Наслчилик тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар кишлоқ ҳўжалиги, шу жумладан, фермерлик ривож топшида асос бўлаётган норматив-ҳуқуқий базага айланди.

Президентининг «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхши-лаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Хосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етишти-рувчи фермер ҳўжаликлари-ни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори шу йўналишда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, камҳосил ерларда давлат эҳтиёжлари учун кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етишти-раётган фермерларни давлат йўли билан самарали қўллаб-қувватлаш учун пухта

замин бўлиб қолди.

Мамлакат Давлат бюджетни қабул қилиниб, унда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини тубдан яхшилаш ҳамда хосилдорлиги юқори бўлмаган ерларда ишлаётган фермер ҳўжаликлариини қўллаб-қувватлаш учун аниқ мақсадга йўналтирилган маб-лағлар белгиланиб, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари белгилаб қўйил-ганлиги фермерлик ҳаракати-ни ривожлантириш тўғрисида давлат томонидан қилинаёт-ган доимий ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Узок муддат фойдаланиш учун ер олган фермер ҳўжа-ликлари давлат органларининг доимий мададини ҳис этиб, ерга ва суғориладиган сува-тежамкорлик билан муноса-батда бўлишга, агротехника-нинг янги усулларини қўлла-нишга, янада юқориқроқ ҳосил олишга муваффақ бўлмоқда-лар. Жорий йилда ғалла ва пахтадан рекорд даражасида ҳосил олинди. Мамлакатимиз-да 6 миллион 250 минг тонна бугдой, 3 миллион 600 минг тоннадан ортиқ пахта етиш-тирилди. Давлат томонидан мудом қўллаб-қувватлаб кели-наётганлиги, деҳқон ва фер-мерларда мулкдорлик тўйғу-си қучайиб бораётганлиги, улардаги меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабат, фаол ҳаётий позиция, манфаатдор-лик ва масъулият, умумий ишга дахлдорлик тўйғуси ана шу ютуқларга эришишда асо-сий омил бўлди.

(Давоми 2-бетда)

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатингизда истиқлол йилларида миллий-маданий қадриятларни тиклаш борасида қилинган бетимсол ишларнинг, ислом маданияти ривожига аждодларингиз қўшган улкан ҳиссанинг халқаро эътирофидир.

Малайзияда Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш жуда катта. Малайзияликлар ўзбек замининда туғилиб ўсган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодида ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларга жуда қизиқади.

Борис ҚАНДОВ, халқаро кузатувчи, АҚШ ва Канададаги Бухоро яхудиайлари конгресси ва маркази президенти (АҚШ):

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТИШИГА ШУБҲАМ ЙЎҚ

— Истиқлол йилларида Ўзбекистон халқининг дунёқараши ва тафаккури тубдан ўзгарди. Сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалди. Жамиятда демократик қадриятларга интилиш кучайиб бормоқда. Буни ҳар қадамда сезиш мумкин. Шунинг каттиги ишонч билан айтишим мумкин, ўтган 16 йил мобайнида мустақил Ўзбекистон барча баҳаларда улкан ютуқларга эришди. Янги ҳаёт ва янги жамият асосларини яратди. Жамиятда миллатлараро ва динлараро ҳамкорлик, аҳиллик ва бағрикенглик муҳити мустаҳкам қарор топди.

Мен қўллаб мамлакатларда бўлганман ва шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, бугун Ўзбекистонни дунёнинг ҳамма жойида яхши билишади. Бу ўринда ўзбек заминининг гузаллиги ва саховатининга эмас, бутун жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни назарда тутмоқдаман. Масалан, оммавий ахборот воситаларини оладиган бўлсак, қўллаб хусусий, тижорат газета ва журналлар пайдо бўлди. Уларда Президент сайлови жараёнлари айнан энг ривожлан-

ган мамлакатлардагидек ҳолис ва ошқора ёритилаётганини кўрдим.

Тошкентга келишимдан олдин Ўзбекистонда Президент сайлови оид қонун ва ҳужжатлар билан яна бир қарра танишиб чиқдим. Менимча, улар халқаро меъёрларга тўлиқ мос келади, сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларни ифода этади. Чунинчи, Президент сайловида қўллаб халқаро кузатувчиларнинг иштирок этаётгани ҳам мамлакатда демократияни мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Владимир ШАПОВАЛ, Украина Марказий сайлов комиссияси раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор:

ҲАМКАСБЛАРИМ БИЛАН ТАЖРИБА АЛМАШАМИЗ

— Мен кўп йиллардан бери Ўзбекистоннинг сиёсий тизимини ўрганиб келаман. Ўзбекистон тўғрисида қўллаб мақолалар ёзганман. Юртингизга нафақат Президент сайлови жараёнларини кузатиш, балки Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан мазкур йўналишда тажриба алмашиш мақсадида келдим. Сайловолди жараёнлари, Президентликка номзодларнинг дастури, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан яқиндан танишиш ниятидаман. Сайловни кузатувчилар, жумладан, хорижий кузатувчилар фаолияти учун барча шароит яратилгани Ўзбекистонда сайловнинг демократия тамойиллари асосида, халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда очик ва ошқора ўтишидан далолатдир.

Юртингизга сўнгги бор келганимга йигирма йилдан ошиб кетди. Мустақиллик туйғули Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб, гузал мамлакатга айланишининг гувоҳи бўлдим. Амалга оширилган бекуёс бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари — қўрқам иншоотлар ва раван йўллар, ямғири хоббон улкан майдонлар ҳар қандай кишини мафтун этади.

Ў.А. мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА
ёзган элд.

ЁШЛАР БИЗНИНГ ТАЯНЧИМИЗ, СУЯНЧИМИЗ ВА ҚУДРАТИМИЗДИР

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини катта ҳаяжон ва қувонч билан кутиб оламиз. Боиси, шу кун келгуси йилга янги ном берилади. Буни қарангки, бир неча йилдан буюн мамлакатимизда анъанага айланган бу воқелик 2007 йилда ҳам зўр қувонч қувонч билан қарши олинди. Кириб келаётган янги — 2008 йил мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди.

Ҳўш, бу, депутатлар зиммасига қандай вазифа ва масъулият юклайди? Менимча, бу йилда ёш авлод манфаатлари талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, таълим соҳасини янги босқичга кўтариш ҳамда ёшларнинг маънавий касб эгалари бўлишлари учун имкониятлар яратиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари олдидаги асосий вазифа бўлиб қолади.

Шу ўринда, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сафларига ялғиб қизларни кенгроқ жалб қилиши, уларга эътиборни янада ошириши ҳамда ёшларни ҳар доим, ҳар қадамда қўллаб-қувватлаб туриш борасида муайян ишларни амалга ошириши лозим, деб ўйлайман. Чунки ёшлар бизнинг таянчимиз, суюнчимиз ва буюк келажакимизнинг асосий қуч-қудратидир.

Абдулла АБДУНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси



Мамлакатимизда 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинишида ўзига хос рамзий маъно бор. Чунки Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, илму фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида хайратга сазовор ютуқларни қўлга киритишида ёшларнинг муносиб улуши бор.

Дарҳақиқат, мустақил юртимизда навқирон авлод қамолоти йўлида улкан ғамхўрликларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу, аввало, ёшларнинг илму ҳунар ўрганишлари, жамиятнинг етук кишилари қаторига қўшилишлари учун яратилаётган шарт-шароитлардир. Биргина мисол келтирсам: мамлакатимизда истиқлол йилларида барпо этилган коллежларни 600 минг нафар талаба мутахассислик дипломи билан битириб чиқди. Улар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётимизни белгилашда бениҳоя катта қуч. Демак, юртимизда инсон манфаатлари ва жа-

мият истиқболи учун амалга оширилаётган ислохотлар ёшлардан, уларнинг янгича фикрлашлари-ю интилишларидан қувват олаётти. Шу боис, бугун ёшларнинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги, Ватан истиқболи йўлида фидойилигини тараққиётимиз учун зарур фазилат, деб биламан. Шундай экан, ёшлар истеъдодини рўёбга чиқаришда барчамиз уларга яқин ҳамкор, ҳамфикр бўлайлик.

«Адолат» СДПнинг Самарқанд вилоят ҳудудий ташкилотиде айтиш шундай муносабат, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик туйғули қўлгина ижтимоий муаммоларга аниқ ечим топа олаётимиз. Икки йил муқаддам партиянинг вилоят ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари қошида «Ёшлар қаноти» тўзилган эди. Бу ҳаракат туйғули, аввало, партия аъзоларининг тарқиб сифат жиҳатидан яхшиланди. Дастурий ғояларнинг

ижроси учун масъулият қўчайди. Бугун вилоят партия Кенгаши «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда қатор самарали тадбирларни амалга оширмоқда. Ўғил болалар ва қизлар ўртасида гимнастика, теннис, сув спорти ва кураш бўйича турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Хатто, Самарқандда ягона — «Боулинг» клуби ёш спортчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Энди ёш ижодкорлар, шoir, rassom, musika-чилар ўртасида янги истеъдодларни кашф этишга интиляялми.

Мақсадимиз — 2008 йил ёшлар учун янада омадлий йил бўлсин. Улар учун янги имкониятлар эшити очилаверсин. Зотан, улар Ватанимиз келажиги, истиқболи соҳибларидир.

Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
«Адолат» СДП
Самарқанд вилоят
Кенгаши биринчи котиби

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Асака туман партия Кенгаши томонидан тумандаги 262-сайлов участкасида ўтказилган тадбир Президент сайловиға бағишланди. Унда сайлов кампанияси мамлакатимиздаги сиёсий партиялар учун ўта масъулиятли жараён эканлиги эътироф этилди.

Худди шундай тадбир вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Хоразм вилоят ҳамда Урганч шаҳар Кенгашлари ҳамкорлигида «Сайлов — демократия кўзгуси» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда миллий сайлов тизимимиз демократия тамойиллари уйғун эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қашқадарё вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Чироқчи туманларида сайловолди тадбирлар ўтказилди. Иштирокчиларга миллий сайлов қонунчилиги ҳақида тушунчалар берилди.

Бухоро шаҳар партия Кенгаши ташаббуси билан шаҳар марказий шиғоҳонасида «Келажакнинг учун овоз бер!» деб номланган тадбир ташкил этилди. Унда сайловнинг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва аҳамияти, сайловчиларнинг бу сиёсий жараёндаги ҳуқуқлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар бўлиб ўтди

Термизда шу ойнинг иккинчи ўн кунлигида бўлиб ўтган округ ва сайлов участкалари комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига бағишланган ҳудудий семинарда иштирок этдим. Унинг асосий мавзусини миллий сайлов қонунчилигимизга оид ҳуқуқий билимларни ошириш, участка сайлов комиссиялари аъзолари фаолиятини сайлов жараёнларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларга мувофиқ шакллантириш масалалари ташкил этди.

Республика Марказий сайлов комиссиясининг иш тақвими режасига кўра ўтказилган мазкур семинарда участка сайлов комиссиялари раислари, раис ўринбосарлари ва котибларига Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда афзалликлари халқаро сайлов стандартлари билан қиёсланган ҳолда муфассал тушунтириб берилди.

Мана, мустақил Ватанимиз ва кўп миллиятли халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — мамлакат Президентини сайловига икки кун қолди. Округ сайлов участкаларида тайёргарлик пухта. Сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этиш ва уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқишини таъминлаш борасида катта ишлар олиб борилади. Сайлов кунини сайлов участкаларининг иш тартиби, овоз беришини бошланиш жараёни тўла аниқланган олинди. Сайловчиларга сайлов бюллетенлари беришда қатъий ҳисоб-тоб юритиш тадбирлари белгилан чикилди.

Яна бир муҳим жиҳат — сайлов кампанияси бошланганда буюн оқуругдаги участка сайлов комиссиялари аъзолари бетоб ва ногирон сайловчилар олдиға бориб суҳбатлар уюштирилди. Уларни номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари билан яқиндан таништирилди. Улар овоз беришлари учун сайлов кунини қайси пайт қулай эканлиги ва шу асосда сайлов қутилари етказиш ҳамда овоз беришини ташкил этиш режалари тузилди. Бунинг учун ҳар бир сайлов участкасидан камиде икки нафар комиссия аъзолари ажратилди.

Қисқаси, бугун вилоятимизда истиқомат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига иштирок этиши кутилаётган ҳар бир сайловчи ўз овозини мамлакатимиз тақдирини муҳим аҳамият касб этишини яққол сезмоқда.

Ҳайитмурод РАҲИМОВ,
Халқ депутатлари
Сурхондарё вилоят
Кенгаши депутати,
«Адолат» СДП аъзоси

МЕН ИЛК БОР ОВОЗ БЕРАМАН!

Ўн саккиз ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. Мен ҳам Конституцияимизнинг ушбу тамойилига кўра, бу йил биринчи марта сайловда қатнашиш бахтига мушарраф бўлаётиман. Ўзим истиқомат қилаётган Самарқанд шаҳри, «Янги Хайробо» маҳалласидаги 125-сайлов участкасида (участка биз ўқитаётган Сибб тиббиёт коллежиде жойлашган) мамлакатимиз келажиги учун овоз бераман. Демакки, бу — жамиятда менинг ҳам ўрним

борлигини аниқлашчи ёрқин ишора. Шунинг учун ҳам сайлов участкасидан вакил келиб, мен ва тенгдошларим Президент сайловида иштирок этишимизни айтганда бағоят қувониб кетдик.

Бугун мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бизни шу азиз Ватан меники, унинг эртаси учун масъулимиз, деб яшашга ундайди. Биз коллежда ўз соҳамиз бўйича билим олиш билан бирга, машгулотлардан бўш пайтларим

мизда «Сиз қонунни биласизми?», «Қомусимиз — фариштимиз», «Ўзбекистонда миллий сайлов тизими» сингари қатор мавзуларда суҳбат, конференция ва викториналар уюштириб келаялми.

Яна бир кун ўтиб, Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида кечадиган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига иштирокимни — зиммамдаги мамлакатимиз эртанги кунига масъулиятим ҳамда республикамиз қонунчилиги тизимига ҳур-

матим ифодаси, деб биламан.

Яна бир кун ўтиб, сайлов участкасига кўнглимда ана шу фикрлар, ўғилар ва мулоҳазалар билан бораман.

Яна бир кун ўтиб, қўш қувончли кунни кутиб олам: биринчиси — сайловда илк бор овоз бераман. Иккинчиси — айтиш уш кун тўғилган кунимни нишонлайман.

Амина ҲАСАНОВА,
Самарқанд шаҳридаги
Сибб тиббиёт
коллежи талабаси

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўмита мажлисида сенаторлар «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Марказий банк ва тармоқ банклари, «Ўзкимёсанот», «Ўзнефтмаҳсулот», «Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг» компаниялари, «Ўзгазмашсервис» ҳамда ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмалари бўлинмаларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа вазирлик ва идораларининг ҳудудий тўзимларида ижро этилиши тўғрисидаги ахборотларни тинг-лаб, фермер ҳўжалиқларини банк хизматлари, ёнлиғимойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қорва озуқаси, айниқса кунжара ва шулка билан таъминлашда фойдаланилмаган захира ва имкониятлар бoрлигини таъкидлаб, улардан фойдаланишга оид, шунингдек, минибанкар ишини янада такомиллаштириш, уларни зарур компьютерлар ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш юзасидан тақлифлар билдирди.

Тадбирда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, фермер ҳўжалиқлари уюшмаларининг раҳбарлари, йирик фермер ҳўжалиқлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган тадбирлар режаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиқ масалалари ва экология қўмитасида «Фуқароларнинг жамғариб бoриладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятдаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлинмалари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги

корхоналари томонидан ижро этилишига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг пенсия таъминотиға бўлган ҳўқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган бўлиб, Асосий Қонунимизнинг 39-моддасида «Ҳар ким қари-ганда... ижтимоий таъминот олиш ҳўқуқига эга» эканлиги белгилан қўйилган. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бизда ҳаммаша давлат сиёсатининг устувор йўналишларида ижро этилиши тўғрисидаги ахборотларни тинг-лаб, фермер ҳўжалиқларини банк хизматлари, ёнлиғимойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қорва озуқаси, айниқса кунжара ва шулка билан таъминлашда фойдаланилмаган захира ва имкониятлар бoрлигини таъкидлаб, улардан фойдаланишга оид, шунингдек, минибанкар ишини янада такомиллаштириш, уларни зарур компьютерлар ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш юзасидан тақлифлар билдирди.

Тадбирда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, фермер ҳўжалиқлари уюшмаларининг раҳбарлари, йирик фермер ҳўжалиқлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган тадбирлар режаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятдаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлинмалари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги

фуқаролар жамғариб бoриладиган пенсия тизимига ижтимоий ҳимоя асосида иштирок этадилар.

Қонуннинг айтиш ана шу ва бошқа қоидалари «Фуқароларнинг жамғариб бoриладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши борасидаги ахборотларни тинг-лаб, фермер ҳўжалиқларини банк хизматлари, ёнлиғимойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қорва озуқаси, айниқса кунжара ва шулка билан таъминлашда фойдаланилмаган захира ва имкониятлар бoрлигини таъкидлаб, улардан фойдаланишга оид, шунингдек, минибанкар ишини янада такомиллаштириш, уларни зарур компьютерлар ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш юзасидан тақлифлар билдирди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган тадбирлар режаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятдаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлинмалари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги

таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши борасидаги ахборотларни тинг-лаб, фермер ҳўжалиқларини банк хизматлари, ёнлиғимойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қорва озуқаси, айниқса кунжара ва шулка билан таъминлашда фойдаланилмаган захира ва имкониятлар бoрлигини таъкидлаб, улардан фойдаланишга оид, шунингдек, минибанкар ишини янада такомиллаштириш, уларни зарур компьютерлар ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш юзасидан тақлифлар билдирди.

Шу билан бирга мажлисда баъзи туманларда Халқ банкнинг филиалларига айрим фермер ҳўжалиқлари жамғариб бoриладиган пенсия ҳисобварақларига ҳисоблаб чиқарилаётган ва киритилаётган пул маблағлари тўғрисида ахборотларни (реестрларни) вақтида топширмаётганлиги таъкидланди, жамғариб бoриладиган пенсия тизимига ижтимоий ҳимоя асосида иштирок этиши назарда тутилган фуқароларнинг фаоллигини қучайтириш тасвие этилди.

Мажлис иштирокчилари маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларининг, улардаги ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи доимий комиссияларнинг «Фуқароларнинг жамғариб бoриладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини мувофиқлаштиришда амалга оширишдаги, Молия, Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш вазирликлари, Солиқ хизмати ва Халқ банки бошқармалари ва бўлинмаларининг ижро этишда амалийлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатларини мувофиқлаштиришдаги алоҳида ролини таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг республика ва вилоят миқёсидаги раҳбарлари, фермер ҳўжалиқлари уюшмалари мутасаддилари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(Ў.А.)



Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Ўртағирчиқ туманидаги 58-мактабда жойлашган 675-сайлов участкасида муҳим сана — 23 декабрь кунини бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қиз-гин. Айниқса, сайловчиларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилади.

Бу сайлов участкаси миллий сайлов қонунчилиги-

мизга доир турли адабиётлар, қўлланмалар, телевизор, радиолар, компьютер, принтер каби техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланган.

Ҳ.АВВАЛОВ
олган сурат.

Котиб минбари

ҚИЗГИН ФАОЛИЯТ САМАРАСИ

Туманда фаолият юритаётган сиёсий партиялар орасида «Адолат» СДПнинг ўрни бор. Туман кенгаши аъзолари, фаолларимиз фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатда кечадиган барча соҳалардаги ислохотларга қизиқиш уйғотиш ҳамда улар иштирокини оширишда астойдил фаолият юритишмоқда.

Айни кунларда туман кенгаши аъзолари партияларнинг IV Курултойи материаллари мазмун-моҳиятини ўқиб-ўрганиб, бошланғич таъкилотларида кенг тушултириш ишлари олиб бoраётти. Курултойда «Адолат» СДПнинг ўтган йиллар мобайнида эришган ютуқлари ва йўл қўйилган айрим камчиликларни рўй-рост айтиб ўтилди. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб, йўл қўйган хатоларни такрорламасликка, асосий эътиборни бошланғич партия ташкилотларимиз ишини қучайтиришга қаратаёлми. Туманимиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич ташкилотларини тузишга интиляялми. Йил якунига қадар халқ ҳўжалиги тармоқларида 50 та ана шундай БПТ

бўғинлари ташкил этиш ниятимиз бор. Бундан ташқари, биз кенгаши аъзоларимиз билан жойларда партия ғоялари тарғиботи юзасидан турли тадбирлар ҳам ўтказаялми. Жумладан, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда 1-, 4-, 34-, 53-мактабларда давра суҳбатлари уюштирдик. Шунингдек, жамоат жойларида, маҳаллаларда бўлиб, фуқароларни ташвишлантираётган муаммолар билан қизиқдик.

Сайлов фуқароларнинг — хоҳиш-иродасини яққол намойиш этаётган жараён. Энг аввало, унда партияимиз аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилди. Улар ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, корхона, ташкилот ва илм муассасаларида ёш сайловчилар билан учрашувлар ташкил этишди. Кунини кеча ана шундай тадбир коммунал қўрилиш ҳўжалиги касб-ҳунар коллежиде бўлиб ўтди. Унда демократик ҳўқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини

Муҳаммад ЭШҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон «Адолат»
СДП Ғузор туман
Кенгаши биринчи котиби

Хориж Забарлари

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАНЛАР
АҚШда Ироқ ва Афғонистондаги урушлардан қайтиб келганлар орасида ўзини ўзи ўлдирish ҳолатлари тобора кўпаймоқда. CBS телекомпанияси маълумотларига қараганда, биргина 2005 йилда 6256 нафар фахрий аскар ўз жонига қасд қилган. Бу стресс, руҳий зарба билан боғлиқ, дейилмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозир АҚШда Ироқ ва Афғонистондаги урушларда бўлиб қайтган 1,6 миллион фахрий аскар истеъмомат қилади ва уларнинг аксарияти жиддий руҳий хасталиклардан азият чекади. Шундан қарийб 200 минг нафари меҳнатга яроқсиз.



САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК
Грузияда келгуси йилнинг 5 январь кунига белгиланган Президент сайловига тайёргарлик яқиний босқичга кирди. Марказий сайлов комиссияси Президентлик даъвогарлик қилаётган етти номзодни рўйхатга олди.

Президентлик даъвогарлар рўйхатида биринчи ўрини амалдаги президент Михаил Саакашвили эгаллаган. Кейинги ўринларда муҳофизат қўластивисининг ягона номзоди Леван Гачечилдзев, "Янги ўнгишлар" раҳбари Давид Гамкелидзе, тадбиркор Бадр Патаркацишвили турibdи. Рўйхатдаги охириги уч ўринда муҳоли-

фатдаги сўлчи "Меҳнат", "Келажак" ва "Умид" партиялари вакиллари Шалва Натенашвили, Гиа Майсавили ва Ирина Сарисвилилар бор. Аксарият қузатувчилар сайловчилар президентликка номзодлар учун эмас, балки мамлакат қайси йўлдан боришини танлаш учун овоз беради, деган фикрда.

ЭНГ ТИГИЗ АВИА РЕЙСЛАР

Дунёдаги энг тигиз авиайўналишлар рўйхати эълон қилинди.



Бу борада биринчи ўрини "Мадрид – Барселона" йўналиши эгаллади. Унда ҳафтасига 971 та, кунига эса 139 та рейс амалга оширилган. "Сан Паула – Рио-де-Жанейро" маршрутида бу

кўрсаткич ҳафтасига 894 тани ташкил этади. "Сеул – Чеджу" – 858, "Мельбурн – Сидней" – 851. Рўйхатни эса "Кейптаун – Йоханнесбург", "Дехли – Мумбай", "Токио – Саппоро", "Жакарта – Сурабай" маршрутлари давом эттиради. Ушбу маршрутларнинг ҳар кунги рейси (ҳар икки томонга) 45 ва ундан ортиқ. Тигиз йўналишларнинг барчаси икки йўналишлар билан саналади. Россияда энг кўп қатнайдиغان йўналиш "Москва – Санкт-Петербург" ҳафтасига қарийб 500 рейс.

ЭНГ КЕКСА ҚАРИЯ ВАФОТ ЭТДИ

Украинада сайёрамизнинг энг кекса фуқароси вафот этди.

ИТАР-ТАСС хабарига кўра, мамлакатнинг Львов вилоятида умргузаронлик қилган Григорий Нестор 116 ёшида оламдан кўз юмди. Гиннесснинг рекордлар китоби мутахассислари Григорийнинг Украинанинг энг кекса фуқароси сифатида китобга киритишга ваъда беришган. Аммо барча ҳужжатлар тайёр бўлишига қарамай, ваъда амалга ошмай қолди.



Григорий Нестор умрининг охиригача чўпонлик қилган, қолаверса, уйланмаган ҳам. У охириги кунларда ҳам анча тетик бўлган, соғлиги-

дан шикоят қилмаган, ҳеч қачон дори-дармон, спиртли ичимлик истеъмом қилмаган.

ҲАРФ ТАНИМАЙДИГАН КИШИЛАР

БМТнинг Фан, маданият масалалари бўйича ихтисослашган ташкилати – ЮНЕСКО саводсизлик муаммоларига бағишланган ҳисоботини эълон қилди.

Унда ёзилишича, сайёрамизда ўқиш ва ёзиш билмайдиган кишилар сони 774 миллионни ташкил этади. Саводсиз аҳоли сонининг кўпчилиги бўйича Ҳиндистон биринчи ўринда қайд этил-

ган. Ушбу мамлакатда дунёдаги саводсиз аҳолининг 35 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, Бангладеш, Бразилия, Хитой ва Мисрда ҳам ҳарф танитайдиган кишилар кўп.

МАШИНА ИШКИ
Хитойда машина сотиб олишда иштиёқ баланд...



Мамлакатда ўтказилган сўровномага кўра, ҳар учта хитойликдан иккитаси маши-

на сотиб олиш учун пул тўплай экан. Ҳар йили Чинда автомобиллар сотилиши 30 фоизга ошиб бормоқда. Уларнинг аксарияти Японияда ишлаб чиқариладиган машиналардир.

Айни пайтда ХХРда қарийб 22 миллион автомобил бор. Агар пул йиғалганлардан ҳаммасининг мақсади рўёбга чиқса, машиналар сони 90 миллионга етади.

НАПОЛЕОННИНГ ТИШИ СОТИЛДИ
Ажам давлатларида сотилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ, чоти. Яқинда Наполеон Бонапартнинг битта тиши аукционда 22 минг 600 долларга сотилди. Ўз номини ошкор қилмасликларини сўраган харидор Буюк Британия фуқароси ҳисобланади.

Наполеонга тегишли юқори ўнги курак тиш озорқ қариесга қилинган экан. Унга илова қилинган ҳужжатларга ишонадиган бўлса, фаранг саркардасининг даволовчи враччи томонидан 1817 йилда бу дандон суеуриб олинган. Ушанда Наполеон авлиё Елена оролида сургунда бўлган. Тиш доктори Наполеонга тегишли бу тишни Европа мамлакатларидан бирининг

киролига совға қилган. 1956 йилга қадар "совға" қирол меросхўрлари қўлида сақланган. Кейинчалик тадқиқотчилардан бирининг коллекциясига келиб тушди.

Хуллас, коллекционер вафот этган, унинг меросхўрлари Наполеон тишини савдога қўйиб, яхшигина пул ишлаб олишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МАВСУМ МУАММОСИЗ ЎТАДИ


дейди Самарқанд вилоят "Иссиқлик манбаи" ОАЖ директори Фахриддин Зайниддинов

Яқинда автобусда икки нафар отахоннинг ўзaro суҳбатлашиб кетаётганининг гувоҳи бўлдим:
– Мана, бир неча йилдирки, шаҳримиз хонадонларида иссиқ ва совуқ сув вақтида етказиб берилапти, иситиш мосламалари яхши ишлаяпти. Бу, айниқса, кишининг совуқ кунларида кишига ҳузур бағишлайди-да.
– Тўғри айтасиз. Авваллари аҳвол оғир эди. Кишкунлари уйимизда совуқдан қалтираб ўтирардик. Кўп қаватли уйлarda, ҳатто совуқ сув ҳам бўлмасди. Шуқирки, бугун ҳаммаси жойида: иссиқ ва совуқ сув билан таъминланиш ҳам бир томондан олиб қараганда, фаровонлик белгиси экан, – дея қўшимча қилди иккинчи отахон.

...Отахонларнинг гурунги тинглаб, шу мавзуда мақола тайёрлашни кўнглимга тугиб қўйдим. Яқинда йўлим тўшиб, Самарқанд вилоят "Иссиқлик манбаи" очик ақлийдорлик жамияти раҳбари Фахриддин Зайниддинновга учрашish мақсадида бўлдим. Қабулхона одамлар билан гавжум. Корхона раҳбари қабулдан чиқайтган кишиларнинг мушқули осон бўлганини уларнинг юзқўзларидаги табассумидан ҳам билиш мумкин эди. Хуллас, Фахриддин Зайниддинновнинг ҳузурда бўлдим.
– Иссиқ сув ва иссиқликни етказиб бериш бизнинг энг асосий вазифаларимиздан, – деди у суҳбатимиз аввалида. – Шунинг учун шаҳримиз аҳолисига сифатли

хизмат кўрсатиш мақсадида эрта кўклардаёқ режа ишлаб чиққанмиз. Ҳозирги вақтда ушбу режа бўйича 907 та кўп қаватли уй, 47 та мактаб, 35 та мактабгача таълим муассасаси, 19 та касалхона ва 31 та турли корхона ва ташкилотларга ўзaro шартнома асосида иссиқлик манбаи етказиб бераёпмиз. Шу билан бирга, 3 мингта 15 миллиметрлик иссиқ сувга мўлжалланган ўлчашчиларни аҳоли хонадонлари, корхона ва ташкилотларга ўрнатиш ишларини ҳам олиб бераёпмиз.
Шу ўринда яна бир гап. Айрим кишилар иссиқ сув келмаётганидан ёки иситиш мосламаси яхши ишламаётганидан шикоят қилишади. Аслида, уларнинг ўзлари фойдаланилган иссиқ сувдан

катта микдорда қарз бўлишади. Ваҳоланки, шу тўғрйли ҳодимларимиз маошларини ўз вақтида ололмайдилар. Бу ҳам етмагандек, яроқсиз ҳолга келиб қолган труба ва ускуналарни янгилашга қийналиб қоламиз. Шунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз. Бу қутилганидан ҳам яхши самара бериб, пул тушумининг кўпайишига олиб келаяпти.



Киш гамини ёзда кўр. Бу ҳикмати ўзларининг қаватли уйлар ва бошқа ташкилотлар бир маромда иссиқлик суви билан таъминланмоқда.

Олим ҲАКИМОВ,
"Адолат" мухбири

БИЗНЕС-ФОРУМ ЎТКАЗИЛДИ

Навоий шаҳрида "Ўзбекистон-Япония" бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуманда япониялик ишбилармонлар ҳамда вилоятдаги етакчи ташкилот ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, меҳмонлар янгича чирой очган Навоий халқaro аэропортида, бир қанча ишлаб чиқариш корхоналарида бўлишди.

САХОВАТЛИ ҲОМИЙЛАР

Жорий йилда Қизилтепа туманида 300 та кам таъминланган оила сигирли бўлишди. Уларни саховатпеша фермерлар, тадбиркорлар ва бошқа ҳомиш ташкилотлар тортиқ этишди. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларига "Савдогарбанк"нинг Қизилтепа филиали томонидан жорий йилнинг биринчи чорагидаёқ қарийб 100 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

А.ЖУРАЕВ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатида ижобий натижаларга эришиш иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар билан бевосита банк-молия тизимининг ривожланиши билан боғлиқ. Чунки молия институтлари, хусусан, банклар ички ва ташқи молиявий ресурсларни турли секторларга йўналтиришда фаол иштирок этади.

Таъкидлаганимиздек, инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилишнинг муҳим йўналишларидан бири, бу – хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш бўлиб, у 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ олиб борилади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар деганда эса акцияларнинг ёки уст-тав шартномасининг камид 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Қўшма корхоналарнинг фаолият юртиши республикамизга замонавий, илғор технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолининг иш билан

бандлигини таъминлашга ёрдам беради. Мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун инвесторларга зарур иқтисодий инвестицион муҳит яратилиши ҳамда уларга муайян имтиёзлар берилиши алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, мамлакатдаги сийсий ва иқтисодий барқарорлик; турли табиий фойдалар қазилма бойликлар ҳамда юқори салоҳиятли меҳнат ресурслари; ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг исталган бозорда сотиш ҳуқуқининг берилиши ва ниҳоят мулк дахлсизлиги таъминланганлиги...

Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш Ўзбекистонда инвестиция жараёнлари сифат жиҳатдан янада такомиллашиб, миллий иқтисодиёт модернизациясига ҳамда унинг рақобатбардорлик даражасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.


Шерзод МАРДОНОВ,
Тошкент Молия институтини ўқитувчиси,
Умид ТУРДИЕВА,
институт талабаси

ҚИНФИР ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Қинфир иш – келтирар ташвиш, деб бежиз айтишмаган. Қонунга қат бериб, мўмай бойлик орттирмаган, деб хотамтама бўлганлар учун аслида бу аччиқ ҳақиқат сабоқ бўлиши керак. Ахир, ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракат оҳир-оқибат афсуснадаматга сабаб бўлади.

Уз нафсини ўзгалар манфаатидан устун қўйган Неъмат Абдуғафуров жамоа мулкига кўз олайтириб, уни ўзлаштиришмоқчи бўлганида иш хамирдан қил суғургандек енгил қўчишига қаттиқ ишонган эди. Пухта режаси панд беришини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Бирок, у ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Дарвоқе, Неъмат Абдуғафуров ким ва нима учун амалдаги қонунларга мувофиқ жазоланди? Гулистон туман "Машина-трактор парк" очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келатган бу фуқаронинг кейинги пайтда феъл-атвори ўзгарди. Корхона қарамоғида бўлган иккита «пушта олгич»ни сотиб, пулни чўнтагига уриш пайига тушди. Харидориги бу қишлоқ ҳўжалик техникасининг ишқибози ҳам бир зумда топилди. Фуқаро А.Шернаев иккала техника учун 1 миллион 600 минг сўм беришга жон деб рози бўлди. Томирлар савдонини пишириб, ўзаро қўл ташлашди. Аммо ҳуқуқбузар шум ниятига ета



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Энергия ресурслари:


МУАММО ВА ЕЧИМ

ХХI асрнинг биринчи ярмида бутун инсоният учун энергетика муаммоси энг долзарб масалага айланади. Негаки, углеводородлар асосига қурилган энергетика яқин 10 йил давомида тугаши кузатиламоқда. Янги манбаларнинг қаммайиб бораётгани соҳа мутахассисларининг хавотирига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, яқин 30-50 йил ичида углеводород энергияси ўрнини ядро энергиясига дахли бўлмаган бошқа мўқобил турлар қоплай олмайд. Агар ядро энергетикаси тезликда ривожланмаса, 10 йиллардан сўнг жаҳон энергетика танқислиги гирдобига тушиб қолади. Мутахассислар бу муаммони ҳал этишда физиканинг янги йўналиши – нанотехнологияга умид боғлашмоқда.

Айни пайтда энергия ҳажминини оширишдан туриб, иқтисодиётни ривожлантириш мушкул. Европа Иттифоқи қонунчилиги ҳозирги пайтда электр энергия бозорини тўла очилиш мўлжалламоқда. Бу орқали электр энергетикасида бурилиш ясаш умумжаҳон тенденциясига айланди.

Ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат

Республикамизда қимматбаҳо энергия ресурслари ва энергияни оқилона ишлатишга алоҳида эътибор беришмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, энергия самарадорлигини оширишга ақратилган маблағ уни ривожлантиришга сарфланган маблағдан кўра икки баробар унмилдир. Шунинг учун ҳам Олий Махлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республи-



каси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун шу йилнинг сентябрь ойида қўлга кирди. Мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги қонунни амалдаги қонунчилик, шунингдек, мазкур соҳадagi халқaro стандартлар билан уйғунлаштиришдир.

Биз юқориди мўқобил энергия манбалари ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу йўналишда Тошкентдаги "Фотон" корхонасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Мутахассислар қўш нурларини электр энергиясига айлантирадиган турли қувавтадаги мосламаларни ишлаб чиқаришмоқда. Бу нафақат Ўзбекистонда, балки қўш йил бўйи қуриб турадиган жуда кўп мамлакатлар ҳудудиди асқотиши тайин.

Олимларнинг фикрича, қўш энергиясини ишлатиш бўйича тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланган бўлса-да, ҳозирги вақтгача ундан кенг қўлмда фойдаланилмаган. Сабаби нисбатан арзон бўлган газ ва кўмир ёқилғиларидан фойдаланиб келинаётганидир. Дарё сувлари энергияси мамлакатимизда жани ишлаб чиқариладиган энергиянинг 9-15 фоизини ташкил этади. Шамол энергиясидан эса деярли фойдаланилмайд.

2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида энергия ресурсларини тежаш устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида таъкидланди. Иқтисодиётнинг барча тармақларида энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни кенг микёсда қўллаш, энергияни тежаш бўйича ҳар қайси тармоқда тегишли чора-тадбирлар

амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг олиб бориш муҳим эҳтимоли айтилди.

Ўзбекистон энергетика соҳасида ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат. Бирок бу ҳеч кимга энергиядан ҳўжасизларча фойдаланиш ҳуқуқини бермайд.

Қайта тикланмайдиган энергия ресурсларига кўмир, газ, нефть ва бошқа турдаги табиий ёқилғи турлари кирди. Ҳозирги пайтда бундай энергия ресурсларидан бири – табиий газ «аристократик» энергия манбаи, деб ҳам аталади.

Қайта тикланмайдиган энергия манбалари бу, биринчи галда, қўш ва шамол энергиясидир. Аслида кўмир, газ, нефть каби қайта тикланмайдиган энергия ресурслари ҳам қўш нур энергияси таъсирида миллий дароомида давомийда тўпланган. Шундай экан, бу нобой бойликда болаларимиз, келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳақи борлигини ёдда тутишимиз зарур.

Хуллас, жаҳон ҳамжамияти олдида энергия муаммосини ҳал этишнинг икки йўли бор: инсоният энергия истеъмоли ва энергия самарадорлигининг янги даражасига чиқиш ёки энергия истеъмолини тобора тежаш йўлига ўтиш лозим.

Бехуд ВОТИРОВ,
"Адолат" мухбири

ТАЪЛИМ
АЪЛОЧИСИ

Бу ном ҳаммага ҳам
насиб этавермайди

Ўқувчи аълочи бўлса, бу муаллимнинг бахти. Агар ўқитувчининг ўзи «аълочи» бўлса-чи? Бу — унинг қўлида тахсил олаётган ёшлар, у ишлаётган жамоа, қўйинги, барчамизнинг бахтимиз.

Ўз вазифини аъло даражада бажариб, келажак эгалари бўлган ёш авлодни қилиб инсонлар қилиб тарбиялашда сидқидилдан фидойилик қўсатётган педагоглар ораимизда кўп. Шулардан бири Пешку туманидаги спорт мактаб-интернатининг тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Матлуба Тошевadır.

— Тил ва адабиёт фани ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси — ўқувчи қалбига китобга нисбатан ҳавас уйғотиш, дейди у. — Китобга ошно киши ҳаёт сўқмоқларидан ҳеч қачон адашмайди, чунки уни ҳар қадамда қўлловчи, йўл-йўриқ қўрсатувчи дўсти, ҳамроҳи — китоб.

Матлуба опа ўз олдига қўйган бу мақсадга эришиш учун таълим-тарбиянинг турли воситаларидан фойдаланади. Энг оддий усуллардан бири ҳақида ана шундай деди:

— Ҳар бир дарс сўнггида, албатта, бирор асардаги воқеани баён этаман-да, энг қизиқ жойига келганда ҳикояни тўхтатаман. Бор вужуди билан мени тинглаб ўтирган болаларга бу ёқмайди, албатта. Ўқувчиларим ҳикояни давом эттиришимни сўрашади. «Агар воқеанинг давомини билмоқчи бўлсангиз, мактаб кутубхонасидан фалон ёзувчининг фалон асарини топиб, ўқинглар», дейман. Шу тариқа болаларни китоб оламига олиб кириб, унинг сеҳридан баҳраманд этаман.

Зиммасидаги масъулиятли вазифини маҳорат билан адо этиб келатган Матлуба опанинг 32 йиллик ҳалол меҳнати аянқиди ўз эътиборини топиб: у «Халқ таълими аълочиси» деган шарафли номга сазовор бўлди.

— Бу унвон мени ўз ишимга янада масъулият билан ёндошишга, таълим-тарбиянинг янги-янги қирраларини излаб топишга руҳлантиради, — дейди опа ғурур билан.

Ўз муҳбиримиз

БАРКАМОЛЛИК ҲОЛИБЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

қорақалпоғистонлик ёшлар ўртасида спорт тобора оммавийлашиб бормоқда

Бугун мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасида бўлган киши улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганининг гувоҳи бўлади. Айниқса, келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшлар учун бунёд этилган замонавий ва кўркам спорт иншоотлари нафақат туман ва шаҳар марказлари, балки олис овулларга ҳам ўзгача кўрк, фойз бағишлаб турибди.

2003-2007 йиллар мобайлида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон филиали томонидан болалар спорт мажмуалари, спорт заллари, қўйинги, жами 52 та спорт иншооти қуриб фойдаланишга топши-

рилди. Улар 498,5 миллион сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди. Айни пайтда кишининг бахри дилини очадиган замонавий иншоот ва спорт залларида бир неча ўн минглаб қорақалпоғистонлик ёшлар таҳрибали мураббийлар ёрдамида у ёки бу спорт тури билан шугулланиб келишмоқда.

Жамғарма филиали ва унинг туманлардаги бўлимлари томонидан эркин кураш, баскетбол, волейбол, стол тенниси, бадий гимнастика, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, футбол бўйича мусобақалар ташкил этилаётгани ўсиб келаётган ёш авлод орасида спортнинг янада оммавийлашишига катта ҳисса қўшмоқда. Жорий йилнинг



ўзида юзга яқин оммавий спорт тадбири ўтказилиб, уларда 10,5 мингдан зиёд ёш спортчилар иштирок этгани фикримиз далилидир. Бу ўрта ҳисобда ҳар ойда 7 та оммавий спорт мусобақалари ўтказилганини кўрсатади.

— Донимандлардан бири тарбиячининг ўзи тарбияланмоғи лозим, деган экан, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон филиали

директори Бухарбой Калабаев, биз билан сўхбатда. — Шунинг учун спорт мажмуалари ва мактабларда машғулотлар олиб бораётган мураббийларнинг малакасини оширишга эътибор қаратаёلمиз. Бу, ўз навбатида, яхши самара бераётди. Ёшларимиз республика мусобақалари ва халқаро турнирларда фаол иштирок этиб, фахрланса арзигulik ўринларни эгаллашмоқда. Ёшларимизнинг истиқлол ту-

файли бундай истиқболга эришаётганини кўриб фахрланиб кетасан, киши.

Дарвоқе, янги 2008 йил — Ёшлар йилида Қорақалпоғистонда ҳамми 21 та (шундан 18 таси қишлоқ жойларида) спорт иншооти қурилиши режалаштирилгани ёшлар ўртасида спортнинг бундан ҳам ривож топишига замин яратди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
«Адолат» муҳбири



Янги рукн: қадим ва навқирон масканлар

Нўхметин, яъни форсада, нўх — тўққиз, метин — чидамли, иродаси мустаҳкам, кучли, деган маънони англатади. Бошқа бир ривоят-

бор. Ана шу тепаликлар қишлоқ билан шаҳар ўртасида алоқа воситаси вазифасини бажарган. Агар олисдан дўшман хавф-хатари сезилиб

қишлоқ пайдо бўлган. XIII асрда Бибиҳоним тепалиги қабристонга айланган, аҳоли эса пастга қўчиб ўтган.

XIV асрдан бундан қишлоқ Навметан номи билан юртиб келинмоқда. Бугунги кунда Навметан ўзининг бир шарҳча хусни-таровати, гиштин иморатлари, равон йўллари ва бошқа маданий-маиший бинолари, аҳолининг муносиб яшаш тарзи билан алоҳида ажраллиб туради. Ҳозир қишлоқда икки та мактаб, икки та мактабга-ча таълим муассасаси, икки та кутубхона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари ишлаб турибди.

Дилмурод ЖАББОРОВ,
«Адолат» муҳбири

муносабатда бўлиб, шу ерда дам олиб, туя, отларини суғориб ўтишган.

Бибиҳоним тепалиги билан Бухоро шаҳридаги Минораи Калон ораси 10 километр бўлиб, бир вақтлар бу оралиқдаги қир этагида жойлашган қишлоқ сув остида қолиб кетган. Фақат тўққиз оила тепаликка чиқиб, жон сақлаб қолган. Шундан

қолса, биринчи тепаликда гулхан ёқилган. Гулхан шўласи Минораи Калонга тушган, у ердигилар оғох бўлиб, хавф-хатарнинг олдини олиш чораларини кўрганлар.

Кейинчалик тепалик ва горларга одамлар сийма қилиб, тахминий аҳоли пастликда, текис ерларда уй-хўй қуриб яшай бошлаганлар. Натижада Навметан — янги

да айтилишича, Бухорога йўл олган меҳмонлар шу қўрғонга келиб, дам олганлар. Қўрғонга келиб тушган меҳмонлар Нонметинга — нон берувчилар қўрғонига келиб, Оллоҳга шукр, энди Бухорога етдик, деганлар.

Айтишларича, Бухоро билан Навметани боғловчи катта йўл ёқасида бешта тепалик бўлган. Улар ҳозир ҳам

қолса, биринчи тепаликда гулхан ёқилган. Гулхан шўласи Минораи Калонга тушган, у ердигилар оғох бўлиб, хавф-хатарнинг олдини олиш чораларини кўрганлар.

Кейинчалик тепалик ва горларга одамлар сийма қилиб, тахминий аҳоли пастликда, текис ерларда уй-хўй қуриб яшай бошлаганлар. Натижада Навметан — янги

Одатда, ўзи шунақа бўлади. Юрий турсангиз енгил тортасиз.

— Ойи, кўнглим беҳузур бўляпти.

— Ҳечқиси йўқ, қизим. Чуқур-чуқур нафас олинг, ҳаммаси ўтиб кетади. Кани, ўрингиздан туринг. Юринг, юринг. Мен ҳозир...

Файзи хола хонадан чиқа бошлади.

— Ойи, қайқа... кетманг.

— Кетмайман, қизим, ҳеч қайқа кетмайман. Аччиқина қилиб бир чой дамлаб келай. Гаплашиб ичамиз. Ўзимни ҳам ош чанқатаяпти.

Файзи хола хонасига кирар экан, эри Асқар амаки, ота бўлай деб турган ўғли Акмал, кенжатоғи Аббор оғизларида ош билан унга ялт этиб қарашди. Айниқса, Акмалнинг нигоҳи бўлакча. У безовта кўринади.

— Тинчликми? — сўради Асқар амаки.

— Ҳа, сизлар бафуржа овқатланаверинглар, — деб жавоб берди чой дамлар экан Файзи хола. — Ростдан ҳам мен бугунча у ёққа боролмасам керак. Чунки...

— Ташнаман, — деди Асқар амаки маъноли кулиб.

— Шунинг учун ҳам, дадаси, бугунча сиз борақоласиз. Менинг жилишим кийин.

— Бу дейман, ойиси, қандай бўларкин?

— Қандай бўларди? Дадамлар хурсанд бўладилар, кўнглиллари тоғдек ўсади. Ахир, кўёв ҳам ўғилку! Божларингиз эртаю кеч танда қўйишяпти.

— Эртага саҳарлаб борақолсам бўлмасмикин-а, ойиси?

— Йўқ, бормасангиз, хавотир оладилар. «Кечкурун албатта келаман», дегандим.

Файзи хола келинидаги ўзгаришни сезган захотиёқ «Тез ёрдам» чақиртириб, уни тугруқхонага юбориши ҳам мумкин эди. Лекин бундай қилмади. Чунки бун-

Абдуқаҳҳор ИБРОХИМОВ
ОСМОН ЯҚИН,
ХИКОЯ
ЕР КИМПОК

Тун ярмидан оққан. Файзи хола келини Муборак атрофида парвона. Янги меҳмон қутишмоқда. Беш ўғил, уч қиз — саккиз фарзанд кўрган, ўнлаб неварани палалаб катта қилган Файзи хола дард нима, тўлғоқ нима жуда яхши билади, бу борада қорафат. Келинидаги ўзгаришни оқшомдаёқ сездим, сездим: «Эсон-омон қутилиб олсин», деб дилидан ўтказиб қўйдим. Муборак самовар олиб келгани кетаётганида, «хай-хай»лаб йўлини тўсди. «Қўйинг, болам, ер тойганок», дея қойиб берди. Ўчоқбошида ош сузаётганида турп тўраётган келинининг бўрсиллаб-бўртиб турган юзига кўзи тушиб ўзимча: «Ўғил бўлса отасига, қиз бўлса — онасига ўхшасин. Аммалари ҳам, тоғалари ҳам кўркам, чиройли. Уларга ўхшаса ҳам майли, ишқилиб, икки жон соғ-саломат бўлсин», деб қўйдим.

Файзи холанинг бағри бутун: эгачи-сингиллари, ака-укалари, қариндош-уруғлари кўп. Ёши олтидан ошиб, ўзи буви бўлиб қолган бўлсаю, отаси Шодмон бобо, онаси Рўқия бибилар ҳали барҳаёт. Лекин умр ўп экан, ҳаёт ҳаёт экан, барибир ўз ишини қилар экан. Шунча йил яшаб, би-

рор марта «иҳ» демаган Шодмон бобо, мана, бир ҳафтадирки, қаттиқ касал бўлиб ётибди. Ўғил-қизлари навбатма-навбат тепасида туни тонгга улашяпти. Файзи хола ҳар кеча дадаси ёнида, кундузлари ноилоҳ ўз уйида. Ахир, келини... Бугун ҳам кечки овқатдан сўнг ўша ёққа бормоқчи эди. Лекин орада бу гап чиқиб қолди.

Файзи хола Муборакнинг овқатдан номига чўқилаб ўтирганини ҳам, ўзини ноқулай сезаётганини ҳам кўздан қочирмади, боисини билгани учун келинини овқатга кўп ундамади.

Муборак лаганди ош яримлаганда ниманидир баҳона қилиб хонасига кириб кетди. Акмал ўрнидан кўзгайлаб хабар ололмоқчи бўлган эди, Файзи хола: «Ошинг-ни е, ўғлим, мен ўзим», деди-да, қўлини апил-тапил артиб, келини ёнига кирди.

Муборак диванда хомуш ўтирарди. Файзи хола хонага кира солиб:

— Қизим, ўтириш ярамайди, у ёқ-бу ёққа юриб туринг. Юрган яхши, — деб насихат қилди.

Муборак ҳайрон:

— Ойи, оғир бўлиб, бўшашиб кетяпман-ку.

— Чўчиман, қизим, чўчиман.

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Исмон САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 0018 рақами
билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86;
котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят
рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи — Б.ТОШНАЗАРОВ

Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ



«Адолат» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

ФАОЛИЯТИНГИЗНИ
ТЕКШИРИШДИ...МИ?

Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини
текшириш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.

Ботир АЛИМОВ,

тадбиркор, Паркент тумани

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини текшириш Адлия вазирлигида 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низоми асосида амалга оширилади.

Низом талабларига асосан назорат қилувчи органлар якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши, унинг вилоят ва туман комиссиялари рухсатлари билан текширадilar. Бунда қуйидаги масалалар қўрилади:

— савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши, шун жумладан, назорат касса машинаси, ҳисоб терминаллари қўлланиши, товарларда мувофиқлик сертификатлари, ўлчов асбобларида эса белгиланган тамгаларнинг мавжудлиги;

— пул маблағлари ҳисобини юритиш ва муомалалари тўғрисидаги қўнун ҳужжатларига риоя этилиши;

— буюмларда Давлат асшилиқ тамғаси ўрни, жумладан, Ўзбекистон Республикаси асшилиқ тамғаси белгисининг мавжудлиги;

— стандартлаштириш, метрология ва сертификация тартибига доир меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши;

— санитария, ветеринария назорати, ёнгин хавфсизлиги чоралари, энергетика ҳамда лицензия талаб этиладиган фаолият билан шугулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларда лицензия олиш талаб ва шартларига, тегишли лицензия тўловлари амалга оширилишига риоя этилиши.

Шуни айтиш жоизки, текширишлар бир кун давомида режадан ташқари қисқа муддатли, муқобили ёки назорат тартибиди ўтказилиши мумкин. Бундан кўпроқ, лекин 5 кундан ошмаган муддатдаги текширишларга истисно тарихида тадбиркорнинг молиявий ва товар ҳужжатларини текшириш зарурати бўлганда, Назорат қилувчи органлар фаолияти-

ни мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг рухсати билан йўл қўйлади.

Юқоридаги Низомида, шунингдек, назорат қилувчи органларнинг Кенгаш (ҳудудий комиссиялари) билан келишувларсиз амалга ошириладиган назорат функциялари ҳам белгиланган. Улар қуйидагилардир:

— қўнунбузиш ҳоллари содир этилгани тўғрисида ишончли маълумотлар бўлган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркорларнинг тақиқланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш (хизмат кўрсатиш) ҳолатларини бартараф этиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказиш;

— Республика Давлат мулк кўмитаси томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, бошқа хусусийлаштирилган объектлар эгаларининг хусусийлаштириш шартномаларида назарда тутилган фаолият йўналишини сақлаш бўйича шартларга риоя қилиш бўйича мониторинг;

— Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан ҳар ойда сут ва сут маҳсулотларини лабораторияларда тадқиқ этишни амалга ошириш, шунингдек, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятларда табибий шаҳодатланиш дафтарчаларининг мавжудлигини олти ойда кўпи билан бир марта мониторингдан ўтказиш;

— назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларнинг, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлангани тўғрисида қвтанцияларнинг мавжудлигини текшириш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар.

Текширув натижаларидан норози бўлган тадбиркор низоли масалага аниқлик киритиш учун назорат қилувчи органларнинг юқори бўлинмаларига ёзма равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Саволингизга Оқдиган туман ДСН ходими

Н.БУВАБЕКОВА жавоб берди.

НОТАРИАЛ ИДОРА
БЎЛМАСА...

Нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғини раислари томонидан ҳам олиб борилади, деб эшитдим. Айтинг-чи, бу қандай амалга оширилади?

Эркин МАСАНОВ,

қурувчи, Тошкент шаҳри

Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғини раислари томонидан йиғин биносиди амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги ёки бошқа сабабларга кўра йиғин раиси ҳузурига бора олмайдиган ҳолларда эса ҳужжатлар фуқаро турган жойда нотариал тасдиқланиши мумкин.

Фуқаролар йиғини раиси нотариал ҳаракатини ошириш вақтида, аввало, унга мурожаат қилган фуқаронинг шахсини аниқлайди. Бунда, биринчи галда, фуқаронинг паспортига эътибор қаратилади. Воёга ётмаганларнинг шахсини эса уларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилари) паспортларидаги ёзувларга ёки туғилганлик гувоҳнома-лари асосан аниқланади. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг шахсини аниқлашда шахсий гувоҳнома ёки ҳарбий билет асосий ўрин тутди.

Дарвоқе, фуқаролар йиғинларида «Ўзбекистонда но-

тариат» амалий қўлланмасининг биринчи бандида кўрсатилган ҳужжатларига тасдиқланиб, гувоҳлантирувчи ёзувлар амалга оширилади. Бу ҳужжатлар имзоланиб, фуқаролар йиғинининг гербли мўҳри босилади. Фуқаролар йиғини раислари томонидан амалга ошириладиган барча нотариал ҳаракатлар рўйхатга олиш реестрида қайд этилади.

Фуқаролар йиғини раислари томонидан бажарилган нотариал ҳаракатлар: васийнома, ишончнома, аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаб, қўйилган берилганлик, ҳужжатларнинг дубликатларини берганлик учун манфаатдор шахслардан амалдаги қўнунларга мувофиқ давлат божни ўндирилади. Шунингдек, «Нотариат тўғрисида»ги қўнуннинг 21-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раислари бошқа жойга борганларида, манфаатдор шахсларнинг транспорт ҳаражатларини тўлайди.

Саволингизга Каттақўрғон шаҳридаги 3-сон

давлат нотариал идораси нотариуси

А.ДУСТАВОВА жавоб берди.

Юнусовод туманидаги «Юнус-Ходжа» ширкати туғатилди. Давволар эълон чиққан кундан эътиборан 2 ой муддатда қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 124-99-32